

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ  
БОШҚАРУВИНИНГ  
ҚАРОРИ

**286** Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари-  
нинг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга  
олган ҳолда кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгар-  
тиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2012 йил  
22 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1345-3*

*(2012 йил 2 июлдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марка-  
зий банки тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажли-  
сининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Банклар ва банк фао-  
лияти тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг  
Ахборотномаси, 1996 й., 5-6-сон, 54-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республи-  
каси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил  
1 мартдаги 564-сон қарори (рўйхат рақами 1345, 2004 йил 30 апрель) (Ўзбе-  
кистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 17-сон, 204-мод-  
да) билан тасдиқланган «Тижорат банклари томонидан фермер хўжаликла-  
рининг ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга олган ҳолда кредит-  
лаш тартиби тўғрисида»ги низомга иловага\* мувофиқ ўзгартиришлар кири-  
тилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-  
лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга  
киради.

**Марказий банк раиси**

**Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,  
2012 йил 9 июнь,  
17/5-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.